

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАЙИТОВ АБДУЛАЗИЗ ҲАЙДАР ЎҒЛИ

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЎТКИР РЕСПИРАТОР
ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.30-Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Ҳайитов Абдулазиз Ҳайдар ўғли

COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор
инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятлари.....3

Хайитов Абдулазиз Хайдар угли

Эпидемиологические особенности острых
респираторных инфекций в период пандемии COVID-19.....25

Khayitov Abdulaziz Khaydar ugli

Epidemiological features of acute respiratory
infections during the COVID-19 pandemic.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАЙИТОВ АБДУЛАЗИЗ ҲАЙДАР ЎҒЛИ

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ЎТКИР РЕСПИРАТОР
ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.30-Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2932 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Атоева Машхура Абборовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Маматқулов Иброҳим Ҳомидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Неъматов Аминжон Сабдарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўткир респиратор инфекцияларни долзарблиги ушбу касалликларни келтириб чиқарувчи вируслар ва бактерияларни кенг тарқалганлиги билан аҳамиятлидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан янги коронавирус инфекциясининг тарқалишини 2020-йил 30-январда аҳоли саломатлиги учун фавқулодда ҳолат деб эълон қилди ва 11 мартда унинг тарқалиши пандемия сифатида баҳоланди. «...2019 йил охиригача ўткир респиратор вирусли инфекциялар кўзғатувчилари билан боғлиқ пандемиялар фақат А гриппи вируси билан боғлиқ бўлиб, вирус циркуляциясининг янги тури билан сиқиб чиқиши асосланган эди, унинг бу ҳолати тарихий жиҳатдан қизиқарли бўлиб қолмоқда».¹ Пандемия шароитида эпидемиологик тадқиқотлар даражасини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотлар, шунингдек, микроорганизмлар ўртасидаги эҳтимолий муносабатларни ўрганишга қаратилган бўлиши керак. Хусусан, COVID-19 кўзғатувчиси ва ҳар йили эпидемияларни келтириб чиқарадиган бошқа кенг тарқалган ўткир респираторли инфекциялар (ЎРИ) кўзғатувчилари ўртасидаги муносабатлар устида ишлаш қизиқиш уйғотади. Бундай тадқиқотлар натижалари пандемия жараёнини яхшироқ башорат қилишга ва профилактика чораларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора тадбирлар билан бир қаторда юқумли касалликларнинг эпидемиологик ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, «....юқумли касалликларга, хусусан, коронавирус инфекциясига қарши курашиш ёндашувларини, шунингдек санитария-эпидемиология хизматининг институционал асослари ва ташкилий тузилмасини орттирилган тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш»² каби вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланган беморлар ташҳисоти ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўлим ҳолатларини камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда COVID-19 инфекциясининг клиник кечиши ва даволаш, олдини олиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор инфекция ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш динамикасини баҳолаш, пандемия даврида

¹ Weijuan Huang, Xiyan Li, Minju Tan et al. Vital Surveillances: Epidemiological and Virological Surveillance of Seasonal Influenza Viruses, China, 2020-2021. // China CDC Weekly, October. - 2021. - 3(44). – P. 918–922.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сонли «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тизимини тудан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

SARS-CoV-2нинг ўткир респиратор вирусли инфекциялар структурасига таъсирини аниқлаш, пандемия даврида ва ундан олдинги мавсумларда ўткир респиратор вирусли инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш, SARS-CoV-2нинг грипп вируслари циркуляциясига таъсирини аниқлаш, COVID-19 билан касалланган беморларда вирусли ва бактериал коинфекцияларнинг пайдо бўлишининг эпидемиологик хусусиятларини асослаш, келажакда эпидемик вазиятнинг ривожланиш динамикасини башорат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли манбаларга кўра (Соминина А.А., Даниленко Д.М., Столяров К.А. 2021; Усенко Д.В., Тхакушинова Н.Х., Шатурина Т.Т. 2021; Бурцева Э.И., Колобухина Л.В., Воронина О.Л. 2022), пандемиянинг сезиларли даражада ривожланиши 2020-2021 йилларда грипп вируслари циркуляцияси даражасининг пасайишига сабаб бўлди, айниқса Шимолий ярим шардаги мамлакатларда бу аниқ намоён бўлди. Коронавирус пандемияси шароитида янги мавсум учун гриппга қарши эмлаш талабларига жавоб берадиган чекланган миқдордаги тегишли грипп вирусининг штаммлари ажратилган. Ушбу ҳодиса пандемия шароитида эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг кенг кўламли амалга оширилиши билан боғлиқ эди. Шу билан бирга, SARS-CoV-2нинг ЎРВИ кўзгатувчиларининг циркуляциясига таъсири аниқланмаган. Турли маълумотларга кўра (Gomes G.B., Mahé C., Chaves S.S. 2021; Groves H.E., Piche-Renaud P.P., A.P. 2021; Avolio M., Venturini S., De Rosa R. 2022; Chow E.J., Uyeki T.M., Chu H.Y. 2022; Maglione M., Pascarella A., Botti C. 2022), пандемия даврида грипп ташхиси қўйилганлар сони камайиши 90% ҳолатларда

кузатилди. Табиийки, бу грипдан ўлим даражасининг камайишига олиб келади, баъзи мамлакатларда бу кўрсаткич рекорд даражага етди. Айрим эпидемиологлар ҳозирда грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланишнинг бундай камайиши келажакда касалланишнинг кескин ўсиши ва вирусларнинг янги штаммларининг пайдо бўлиши билан алмаштирилиши мумкинлигидан кўрқишади. Ҳар йили эпидемия авж олишининг асосий сабаби бўлган гриппнинг А вариантларининг янги пандемияси прогнозлари мавжуд. В гриппнинг эпидемияси ҳар 2-4 йилда содир бўлади. Шунингдек, (Poole S., Brendish N.J., Clark T.W. 2020) бундай ўзгаришлар 1918 йилда кузатилганидек H1N1 грипп вируси адаптациясининг такрорланишига олиб келиши ва янги пандемия тўлқинини келтириб чиқаришига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги назариялар ҳам мавжуд.

COVID-19 пандемияси даврида тўпланган тажриба асосида Республикамиз олимлари томонидан Ўзбекистон ҳудудида коронавирус инфекциясининг эпидемиологик жиҳатларини таҳлил қилишга бағишланган бир қатор ишлар бажарилди, улар орасида Атабеков Н.С. (2020), Туйчиев Л.Н. (2021), Қурбонов Б.Ж., Қосимов О.Ш. (2022) ва бошқа муаллифларнинг ишларини мисол қилиш мумкин. Бироқ мамлакатимизда коронавирус инфекцияси пандемияси даврида ЎРИ эпидемиологик динамикасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳали ўтказилмаган. Шунинг ҳам ёдда тутиш керакки, бундай ишлар ҳали ҳам жаҳон адабиётида етарли эмас, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, коронавирус пандемияси даврида ЎРИ ва ЎРВИ эпидемиологик хусусиятларини таҳлил қилиш учун етарли материалларнинг мавжудлиги Республикамиз ва унинг алоҳида ҳудудларида инфекцияларнинг ўзаро таъсирини ҳар томонлама ўрганишга замин яратади ва улар ичида кузатилиши мумкин бўлган характерли ўзгаришлар ва тенденцияларни аниқлашга имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ «Юқумли касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усуллари, юқумли касалликлар билан касалланишга янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2022-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор вирусли инфекция билан касалланиш динамикасини аниқлаш;

COVID-19 пандемияси даврида SARS-CoV-2нинг ўткир респиратор вирусли инфекциялар эпидемик жараёни намоён бўлишига таъсирини баҳолаш;

Бухоро вилояти мисолида пандемия даврида ва ундан олдинги мавсумларда ўткир респиратор вирусли инфекциялар эпидемиологик хусусиятларининг қиёсий таҳлил натижаларини асослаш;

Бухоро вилояти мисолида COVID-19 билан касалланган беморларда бактериал коинфекциянинг эпидемиологик жиҳатларини аниқлаш;

SARS-CoV-2 ва анъанавий ўткир респиратор вирусли инфекция кўзгатувчиларининг ўзаро таъсири жараёнининг асосий тенденцияларини аниқлаш ва Грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекция эпидемиясига қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси ҳамда Бухоро вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг расмий статистика маълумотлари, COVID-19 билан касалланиш бўйича расмий ҳисоботлар, Бухоро шаҳридаги асосий тиббиёт муассасаларининг ойлик ҳисоботлари олинди. Бундан ташқари, COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш билан шуғулланадиган Оилавий поликлиника ва Оилавий шифокорлик пунктларининг амбулатор карталари, касалхонага ётқизилган стационар беморларнинг тиббий карталари (n=422) маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган вена қони, қон зардоби, балғам материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун эпидемиологик (ретроспектив ва оператив таҳлил), серологик (иммунофермент ва иммунохемилюминесцент таҳлиллари), молекуляр-генетик (полимераза занжир реакцияси), бактериологик ва статистик (Пирсон коэффициенти хи квадрат (χ^2) ва Фишер) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

SARS-CoV-2 ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекция кўзгатувчилари ўртасида «биологик» кўринишдаги интерференция ходисаси исботланган;

пандемия даврида SARS-CoV-2нинг кенг тарқалганлиги сабабли грипп вирусларини ўткир респиратор вирусли инфекция кўзгатувчилари таркибидан сиқиб чиқарилишига ва уларнинг циркуляциясининг пасайишига олиб келганлиги исботланган;

COVID-19 пандемияси даврида шифохонадан ташқари пневмонияларда бактериал коинфекция ривожланишида грамм-манфий ва замбуруғ микрофлорасининг аҳамияти ортганлиги исботланган;

пневмония касаллигини келтириб чиқарадиган коинфекцияларни олдини олиш мақсадида касаллик манбаи ҳамда мойил организмни

вирусологик текширувлар билан бирга бактериологик текшириш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:
чекловчи чора-тадбирлар ЎРИ ва ЎРВИ касалликларининг йиллик циркуляциясига ва тарқалишига таъсири асосланган;

COVID-19 пандемияси даврида ЎРИ ва ЎРВИ мониторинги натижалари қўзғатувчилар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ тушунишга ва келгуси мавсумларда эпидемияни яхшироқ башорат қилишга ёрдам бериши исботланган;

COVID-19 пандемияси нафақат қўзғатувчиларнинг «микробиологик пейзажи» га, балки микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлик даражасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатгани аниқланди, бу эса терапевтик чоралар тактикасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этиши исботланган;

грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекцияларида эпидемияга қарши чора-тадбирлар такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ва амалий ёндашув ҳамда усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи эпидемиологик, серологик, молекуляр-генетик, бактериологик ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, SARS-CoV-2 нинг бошқа ЎРВИ қўзғатувчилари ўртасида «биологик» кўринишдаги интерференция ҳодисаси, қўзғатувчилар популяцияда ўткир респиратор вирусли инфекция қўзғатувчилари циркуляциясининг ўзгаришига олиб келганлиги, пандемия даврида COVID-19 билан касалланишнинг кўпайиши негизида мавсумий ўткир респиратор вирусли инфекцияларнинг камайиши, COVID-19 пандемияси шифохонадан ташқари бактериял пневмонияда «микробиологик пейзажи» ни сезиларли даражада ўзгартирганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 пандемияси нафақат қўзғатувчиларнинг «микробиологик пейзажи» га, балки микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлик даражасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатганлиги, даволаш тадбирларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини, шу йўл билан касалликни олдини олиш ва беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги №7-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: SARS-CoV-2 ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекция кўзгатувчилари ўртасида «биологик» кўринишдаги интерференция ҳодисаси исботланганлиги Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 11.04.2023 йил № 23-м/024 сон билан тасдиқланган «Оценка динамики острых респираторных вирусных инфекций в период пандемии коронавирусной инфекции» тўғрисидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси ҳамда Бухоро шаҳар бўлимида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги №7-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: SARS-CoV-2 ва грипп вируслари ўртасида интерференция феномени мавжудлиги, ўтказилган ва хорижий тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланганлиги сабабли, келгусида қайд этилиши мумкин бўлган эпидемия мавсуми учун башорат кўп жиҳатдан касалликнинг тарқалишига, SARS-CoV-2нинг ўзгарувчанлиги ва янги вариантларнинг пайдо бўлишига боғлиқ бўлади. Иқтисодий самарадорлиги: пандемия даврида кўзгатувчилар ўртасида «биологик» кўринишдаги интерференция ҳодисасини инобатга олган ҳолда, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бир нафар бемор учун сарфланадиган давлат бюджетидан 1 720 000 сўм иқтисод қилинган.

иккинчи илмий янгилик: пандемия даврида SARS-CoV-2нинг кенг тарқалганлиги сабабли грипп вирусларини ўткир респиратор вирусли инфекция кўзгатувчилари таркибидан сиқиб чиқарилишига ва уларнинг циркуляциясининг пасайишига олиб келганлиги исботланганлиги Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 11.04.2023 йил № 23-м/024 сон билан тасдиқланган «Оценка динамики острых респираторных вирусных инфекций в период пандемии коронавирусной инфекции» тўғрисидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси ҳамда Бухоро шаҳар бўлимида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги №7-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: SARS-CoV-2нинг пайдо бўлиши ўткир респиратор вирусли инфекциялар таркибида грипп вируслари улушининг сезиларли даражада камайишига олиб келди, пандемиянинг муайян даврларида грипп билан касалланиш ҳолатлари деярли аниқланмаган. Шу билан бирга, ЎРВИ таркибида SARS-CoV-2нинг доминантлиги фонида бошқа ЎРВИ кўзгатувчиларининг (аденовирус, риновирус, РСВ ва бошқалар) нисбий улуши барқарорлигича қолди. Иқтисодий самарадорлиги: SARS-CoV-2 вируси грипп вирусини ўткир респиратор вирусли инфекция кўзгатувчилари таркибидан сиқиб чиқариши натижасида грипп вирусининг циркуляциясида пасайишини инобатга олган ҳолда, келгусида юзага келиши мумкин бўлган эпидемияларни башоратлаш

имкони беради ва ҳар бир нафар бемор учун давлат бюджетидан 1 716 000 сўм иқтисод қилган.

учинчи илмий янгилик: COVID-19 пандемияси даврида шифохонадан ташқари пневмонияларда бактериал коинфекция ривожланишида грамм-манфий ва замбуруғ микрофлорасининг аҳамияти ортгани исботланганлиги Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 11.04.2023 йил № 23-м/024 сон билан тасдиқланган «Оценка динамики острых респираторных вирусных инфекций в период пандемии коронавирусной инфекции» тўғрисидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси ҳамда Бухоро шаҳар бўлимида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги №7-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: COVID-19 билан касалланган беморларда бактериал коинфекциянинг «микробиологик пейзажи» этиологик тузилишида граммманфий бактерияларнинг устунлиги, замбуруғ флорасининг юқори хавфи ва шартли патоген кўзғатувчиларнинг фаоллашиши билан тавсифланган. Иқтисодий самарадорлиги: COVID-19 билан боғлиқ пневмония билан оғриган беморларда грамм-манфий бактерияларнинг устунлигини ҳисобга олган ҳолда, бактерияларга қарши энг мақбул препаратларни танлаш натижасида бир нафар бемор учун стационар даволаш харажатларини қисқартириш орқали давлат бюджетидан 720 000 сўм иқтисод қилинган.

тўртинчи илмий янгилик: пневмония касаллигини келтириб чиқарадиган коинфекцияларни олдини олиш мақсадида касаллик манбаи ҳамда мойил организмни вирусологик текширувлар билан бирга бактериологик текшириш зарурати асосланганлиги Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 11.04.2023 йил № 23-м/024 сон билан тасдиқланган «Оценка динамики острых респираторных вирусных инфекций в период пандемии коронавирусной инфекции» тўғрисидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси ҳамда Бухоро шаҳар бўлимида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги №7-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: пандемия даврида грипп ва ЎРВИ эпидемиясига қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш мақсадида, эпидемик жараённинг барча бўғинларида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларга қуйидагича қўшимчалар киритилди. Масалан, касаллик манбаига нисбатан ўтказиладиган лаборатор текшириш (ПЗР, Экспресс-тест) асосида кўзғатувчи вирус турини аниқлаш билан бир қаторда, пневмония касаллигини келтириб чиқарадиган коинфекцияларни аниқлаш мақсадида бактериологик текшириш усуллари ҳам амалга ошириш зарурлиги назарда тутилган.

Иқтисодий самарадорлиги: пневмония касаллигини келтириб чиқарадиган коинфекцияларни олдини олиш мақсадида бактериологик текшириш натижасида ҳар бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағлари 760 000 сўмга иқтисод қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий диссертацияларнинг илмий мақолаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 5 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. COVID-19 инфекцияси пандемияси даврида ўткир вирусли ва бактериал респиратор инфекцияларнинг эпидемиологик жиҳатлари**» номли биринчи бобида COVID-19 кўзгатувчисининг ўткир респиратор инфекцияларга таъсири, пандемия даврида грипп вируси циркуляциясининг ўзига хос хусусиятлари, бактериал коинфекция, нафас олиш вирусли инфекциялари, шунингдек, COVID-19 инфекциясида бактериал коинфекция бўйича адабиёт маълумотларни таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш бўйича материаллар ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни ташкил этишнинг умумий хусусиятлари, ўрганилган материаллар ва фойдаланилган тадқиқот усуллари баён этилган. Тадқиқот тавсифловчи ва аналитик эпидемиологик усуллар, ретроспектив эпидемиологик таҳлил, меъёрий – ҳуқуқий ва ҳисобот ҳужжатларини таҳлил қилиш ёрдамида кенг қамровли кўп босқичли хусусиятга эга (1-жадвал).

Тадқиқотнинг босқичлари ва таҳлил этилган материаллар ҳажми

Тадқиқотнинг босқичлари	Тадқиқот босқичининг мазмуни ва усуллари
<p>Ўзбекистон Республикасида пандемия ва олдинги мавсумларда ЎРИ билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш.</p>	<p>Республикада 2018 йилдан 2022 йилгача бўлган 5 йил давомида ЎРИ (ХКТ-10 кодлари: Ж00-Ж06) ва ЎРВИ (ХКТ-10 коди: Ж06) билан касалланишнинг узок муддатли динамикасининг ретроспектив эпидемиологик таҳлили ўтказилди. Республикада ЎРИ, ЎРВИ, грипп ва COVID-19 билан касалланишнинг қиёсий таҳлили ўтказилди. Таҳлил «Грипп ва ЎРВИ бўйича ҳафталик миллий бюллетени» статистик маълумотлари асосида амалга оширилди.</p>
<p>Ўзбекистон Республикасида ЎРВИ этиологик структурасининг қиёсий тавсифи</p>	<p>Республикада 4 мавсумда, жумладан, пандемиянинг 3 та тўлқини ва пандемия бошланишидан олдинги мавсумдаги ўткир респиратор вирусли инфекцияларнинг этиологик тузилиши таҳлил қилинди. Таҳлил «Грипп ва ЎРВИ бўйича ҳафталик миллий бюллетени» статистик маълумотлари асосида амалга оширилди.</p>
<p>Бухоро вилоятида пандемия ва олдинги мавсумларда ЎРИ билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш.</p>	<p>Бухоро вилоятида ЎРИ (ХКТ-10 кодлари: Ж00-Ж06) ва ЎРВИ (ХКТ-10 коди: Ж06) билан касалланишнинг узок муддатли динамикасининг ретроспектив эпидемиологик таҳлили ўтказилди. 2018-2022-йилларда Бухоро вилоятидаги стационар тиббиёт муассасаларида ўткир респиратор вирусли инфекциялар ҳолати бўйича касалхонага ётқизиш частотаси ва даволашнинг ўртача давомийлиги, шу жумладан, аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича таҳлили қилинди.</p>
<p>Бухоро вилояти стационар тиббиёт муассасаларида COVID-19 билан касалхонага ётқизилган беморларда бактериал коинфекцияларнинг микробал ландшафтини ўрганиш.</p>	<p>COVID-19 коронавирус инфекциясининг иккиламчи коинфекцияларида бактериал пейзажни ва COVID-19дан олдинги даврдаги шифохонадан ташқари пневмония билан солиштирганда COVID-19 касалхонасида бўлган беморларда энг кўп учрайдиган микроорганизм турларининг антибиотикларга чидамлилиги динамикасини аниқлаш.</p>


Диссертациянинг «COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятларини таҳлили натижалари» деб номланган учинчи бобда расмий статистика маълумотлари асосида COVID-19 пандемияси даврида республикада ўРИ, ўРВИ ва грипп бўйича эпидемик вазиятни таҳлили натижалари келтирилган. Республика бўйича, грипп ва ўткир пневмония билан касалланганлар, республиканинг таянч пунктларида ва Бухоро вилоятида алоҳида-алоҳида. 2019/20, 2020/21, 2021/22 мавсумлари ва 2022/23 мавсумининг бошланғич давридаги касалланиш кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинди.

ЎРИларнинг ўзига хослиги, уларнинг доимий равишда циркуляциясининг мавжудлиги ва даврий эпидемиялар билан мавсумий циркуляциясининг баъзи хусусиятларига эгадир. Бироқ, янги, ўта юқумли ва хавfli коронавирус инфекциясининг (SARS-CoV-2) пайдо бўлиши тиббиёт ҳамжамиятининг деярли барча эътиборини COVID-19 пандемиясига қаратди.


Шу билан бирга, анъанавий ўРИда касалликларнинг тузилиши, динамикаси, циркуляцияси ва оғирлиги қандай ўзгариши ҳақидаги савол жуда илмий ва амалий қизиқиш уйғотди.

2019/20 ва 2020/21 мавсумларида Ўзбекистон Республикасида ўРИ билан касалланиш динамикаси 1-расмда таққосланган. 2019/2020 йилги мавсумнинг биринчи ярми республикада анъанавий ўРИ динамикаси эгри чизиғи билан тавсифланади, бу кузнинг бошида ва ўрталарида (27% гача) касалланишнинг кўпайиши билан тавсифланади. Касалликнинг кескин камайиши (3-4% гача) 13-ҳафтада содир бўлган, бу республикада карантин эълон қилиниши ва республикада коронавирус инфекциясининг биринчи ҳолатларидан кейин қатъий чеклаш чоралари жорий этилганига тўғри келади. Кейинги 2020/21 йилги мавсумни чуқур таҳлил қилиш талаб этилади, чунки бу даврда кўпгина чекловчи чоралар юмшатирилган ва бу 2020 йилнинг ёзида қайд этилган коронавирус инфекциясининг биринчи оғир тўлқинига тўғри келган. Ушбу давр ўРИнинг тўлқинли динамикаси билан тавсифланади, унинг чўққиси 14% бўлиб, 53-ҳафтанинг охирига келиб у 5% гача камайди. Кейинги чорак ўРИ билан касалланишнинг босқичма-босқич ўсиши билан тавсифланди, бу COVID-19 учун нисбатан қулай эпидемик вазият билан боғлиқ эди.

2021/22 йилги мавсумнинг таҳлили шуни кўрсатдики, унинг 2021 йил ёзига тўғри келган дастлабки даври ўРИ билан касалланишнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари билан тавсифланган. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ушбу даврда ҳукмронлик қилган SARS-CoV-2нинг ҳинд штамми кўп жиҳатдан одатдаги ўРИларга ўхшаш COVID-19нинг енгил клиник кечишини келтириб чиқариши мумкин.



1-расм. 2019/2020 ва 2020/2021 йилги мавсумда ўткир респиратор инфекциялар билан касалланиш кўрсаткичлари (100 000 аҳоли сонига нисбатан)



2-расм. 2020/2021 2021/2022 йилги мавсумда ўткир респиратор инфекциялар билан касалланиш кўрсаткичлари (100 000 аҳоли сонига нисбатан)


Шундай қилиб, агар биз 3 мавсум давомида ўРИнинг умумий динамикасини таҳлил қилсак, пандемия ўРИнинг ананавий шакллари билан касалланишига сезиларли таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Шу билан бирга,

бир вақтнинг ўзида бир нечта омиллар муҳим аҳамиятга эга, жумладан, қатъий чекловчи чораларнинг киритилиши, ўрганилаётган вақтнинг кўп қисмида амал қилинган ниқоблар тақиш, 2020 ва 2021 йилнинг ёз ойларига тўғри келган.


COVID-19 нинг иккита катта тўлқини соғлиқни сақлаш тизими фаолиятида бир қатор чалкашликлар келтириб чиқарди, натижада ЎРИ эпидемиологияси бўйича нотўғри маълумотлар шаклланиши ЎРИ кўзгатувчиларнинг интерференциясига олиб келди, гўёки бу ананавий SARS-CoV-2 кўзгатувчиларини камайишига сабаб бўлди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган ЎРВИ таркибидаги грипп билан касалланиш маълумотлари шунини кўрсатдики, 2020/21 йилги мавсумда грипп ҳолатлари қайд этилмаган. Шунини ёдда тутиш керакки, грипп вируси штаммлари учун ЎРВИ белгилари бўлган аҳолини оммавий ўрганиш ўтказилмаган, ваҳоланки ЎРВИ белгилари бўлган беморлар етарлича эди.

Шу билан бирга, янги SARS-CoV-2 пайдо бўлиши таъсири остида грипп вируслари бошқа вируслар ўртасидаги муайян рақобатбардош муносабатлар туфайли ЎРВИ кўзгатувчиларнинг циркуляциясидан «чиқариб юборилганлиги» яққол намоён бўлди.



3-расм. 2020/2021, 2021/2022 ва 2022/2023 йилги мавсумда Грипп билан касалланиш кўрсаткичлари (100 000 аҳоли сонига нисбатан)




4-расм. 2021/2022 йилги мавсумда Республика бўйича Грипп касаллигининг мониторинг натижалари

Грипп вирусининг энг кенг тарқалган сераварларининг тарқалганлик таҳлили шуни кўрсатдики, 2021-2022 йилги мавсумда H3 штамми энг кўп тарқалган. Беморларда мавсум давомида грипп вируси бошқа штаммлари аниқланмади. Фақат 21-ҳафтада касалланиш штамми таркибида B устунлик қилди.

Шундай қилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра грипп билан касалланиш таҳлили натижалари пандемиянинг биринчи мавсумида грипп вирусининг деярли бутунлай йўқ бўлиб кетиши ёки янги коронавирус билан алмаштирилганлигини кўрсатди. Кейинчалик, грипп вируси билан касалланиш аста-секин ўсиб борди, бироқ бу аввалги мавсумлардан сезиларли даражада паст, грипп вирусининг индивидуал штамларининг тарқалиш структураси сезиларли даражада фарқ қилди.

5-расмда ЎРВИ структурасини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Мавсум бошидан бери гриппга ўхшаш касалликлар (ГЎК) билан касалланганлар орасидан 22,5% ҳолларда ЎРВИ вируслари аниқланган. Шу билан бирга, ЎРВИ учун барча ижобий натижаларнинг 77,8% риновирусларга, 22,2% - 3-тоифа парагриппга тўғри келади. 49-ҳафтада ГЎК ҳолатларини лаборатория тадқиқотида ЎРВИ учун ижобий натижалар 50% ҳолларда аллақачон аниқланган. Уларнинг 66,6 фоизида риновируслар, 33,4 фоизида эса 3-тоифа парагрипп вируслари аниқланган. Шунинг учун, ГЎК ҳолатларининг ижобий лаборатория натижалари орасида ЎРВИ улуши сезиларли даражада ошди.

2022-йилнинг 44-ҳафтасида аниқланган ГЎК ҳолатларидан олинган клиник материалларни ЎРВИ бўйича лаборатория тадқиқотлари ўтказилганда 45,5% ҳолларда ижобий натижалар аниқланди. Уларнинг 20 фоизида респиратор синтициал вируслар, риновируслар, бокавируслар, мавсумий कोरोनाвируслар ва парагрипп вируслари тенг даражада аниқланган.



5-расм. 2020/2021 йилги мавсумда ЎРВИ мониторинги натижалари

«COVID-19 пандемиясининг Бухоро вилоятида ўткир респиратор инфекцияларнинг эпидемиологик вазиятига таъсири» номли диссертациянинг тўртинчи бобида COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш динамикасини ўрганиш мақсадида ягона чекланган ҳудуд мисолида Бухоро вилоятида ўткир респиратор вирусли инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятлари таҳлили натижалари келтирилган.

6-расмда 2017-йилдан бошлаб 5 йил давомида Бухоро вилоятида ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланишнинг мутлоқ сони ва интенсив кўрсаткичи таҳлили келтирилган. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, таҳлиллар вилоят бўйича рўйхатга олинган, етарли маблағ йўқлиги сабабли этиологик жиҳатдан аниқланмаган ЎРВИ ҳолатлари асосида ўтказилди. SARS-CoV-2 учун ПЗР ёки ИФТ тестининг манфий натижалари бўлган, анамнезида охириги 10 кун ичида текширув вақтида иситма $>38^{\circ}\text{C}$ ёки йўтал бўлган барча ҳолатлар ўткир респиратор вирусли инфекция ҳолатлари сифатида қайд этилган.

6-расмдан кўриниб турибдики, 2018 йилдан бошлаб ЎРВИ билан касалланганлар сони сезиларли даражада 46% га ошган, бу кейинги йилда интенсив кўрсаткичнинг 1,7% га бироз пасайиши билан тавсифланади. 2020 йилда 28,2% ўсиш қайд этилди. 2021 йилда эса 29,3%га ўсиш кузатилди.



6-расм. 2017 йилдан 2021 йилгача Бухоро вилоятида ЎРВИ билан касалланганларнинг мутлоқ сонининг динамикаси ва ЎРВИ интенсив кўрсаткичи


Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, пандемия йиллари бир хил интенсивликдаги ЎРВИ ўсиши билан тавсифланади ва интенсивлик даражаси бўйича кўрсаткичлар пандемиядан ташқари олдинги мавсумлардан қолишмайди.

7-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, эпидемик жараёнда муҳим ўрин эгаллаган, шунингдек олдинги мавсумларда 0-2 ва 3-6 ёшдаги болаларнинг ёш гуруҳи бўлган, шу билан бирга, ўрганилаётган даврда ушбу гуруҳларда касалланиш кўрсаткичларининг пасайиш тенденцияси қайд этилган (0-2 ёшдаги болаларда статистик аҳамиятга эга), мактаб ўқувчиларида нисбатан барқарор кўрсаткичлар аммо шу билан бирга, 15 ёш ва ундан катта ёшдаги кўрсаткичларнинг статистик жиҳатдан сезиларли ошганлиги аниқланди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, респиратор инфекцияларнинг оғир шакллари ривожланишига олиб келадиган ёш таркиби ва этиологик омилларда ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 2020-2021 йиллар мавсумида шифохонага ётқизилганларнинг асосий қисмини (94,5% ни) 15 ёш ва ундан катта (шу жумладан 65 ёш ва ундан катта) ёшлилар ташкил этган бўлса, аввалги йилларда улар 10% дан ошмаган.

Шу ўринда COVID-19 инфекцияси билан зарарланганлар бошқа респиратор вирусли инфекциялар билан зарарланганларнинг қандай

боғлиқлигини ўрганиш муҳим, чунки бу даволаш ва соғлиқни сақлаш тизимида эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этишда муҳим ўрин тутди.




7-расм. 2018–2021 йилларда Бухоро вилояти ҳудудида аҳолининг турли ёш гуруҳларида ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш даражаси (и.к.да)

Коронавирус инфекцияси билан оғриган беморларда нафас йўллари бактериал коинфекциясининг микробиологик пейзажини ўрганиш босқичида COVID-19 ташхиси билан даволанган беморлардан олинган балғам намуналарини бактериологик текшириш натижалари ретроспектив таҳлил қилинди. Таққослаш гуруҳлари сифатида биз ўткир респиратор вирусли инфекциялар натижасида ривожланган, «COVID-19дан олдинги» даврда касалхонада даволанган ЎРВИ натижасида келиб чиққан шифохонадан ташқари пневмония (2016-2019) билан оғриган, ҳамда икки марта ПЗР салбий натижасига кўра, COVID-19 ташхиси тасдиқланмаган беморларда балғамни бактериологик текшириш натижаларини олдик.

COVID-19 билан касалланган беморлардан олинган 422 та балғам намуналари бактериологик текширилганда 214 та (50,7%) ҳолатларда ижобий натижалар қайд этилди.

Таққослаш гуруҳи ўша даврда коронавирус инфекцияси бўлмаган, ЎРВИ натижасида юзага келган, шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларнинг балғамидан ажратилган микроорганизмларнинг 68 та штамлари бўлди. Назорат гуруҳини - COVID-19 дан олдинги даврда

коронавирус инфекцияси аниқланмаган ва ўткир респираторли вирусли инфекциялар натижасида ривожланган шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларнинг балғамидан ажратилган микроорганизмларнинг 223 штамми ташкил этди.



8-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги беморларда балғамидан ажратилган микроорганизмларнинг штамларини ўрганиш натижалари

8-расмда микроорганизмларнинг аниқланган штамлари структурасини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Ўтган йиллардаги кузатувларда, юқумли касалликлар шифохонасида ётган беморларнинг материалларига кўра, ўткир респираторли вирусли инфекция натижасида ривожланган, гриппга қараганда кўпроқ, асосан *Streptococcus pneumoniae* кўзгатувчиси сабаб бўлган.

Беморлардан ажратилган *Pseudomonas aeruginosa* штамларини Амикацин, Меропенем, Сефтазидим, Сефепим ва Левофлоксацин каби антибиотикларга чидамлилиги ўрганилганда куйидаги натижалар қайд этилди. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**Беморлардан ажратилган *Pseudomonas aeruginosa* штаммларини
антибиотикларга чидамлилигини таҳлили натижалари (M±m)**

Антибиотиклар	Асосий гуруҳ (n= 40)	Таққослаш гуруҳи (n= 16)	Назорат гуруҳи (n= 24)
Амикацин	49,7±6,5*^	34,5±5,5*	10,1±3,2
Меропенем	58,8±7,6*^	42,2±6,4*	8,7±2,4
Сефтазидим	75,6±10,2*^	58,9±8,7*	25,4±6,4
Сефепим	70,1±9,4*	60,2±6,4*	21,4±5,4
Левифлоксацин	56,6±6,2*^	41,3±7,2*	9,6±4,2

Изоҳ: M - скрининг препаратига чидамли штаммларнинг нисбати; n - Ўрганилган културалар сони; * - назорат гуруҳи билан солиштирганда статистик аҳамиятга эга $p < 0,05$; ^ - таққослаш гуруҳи билан солиштирганда статистик аҳамиятга эга $p < 0,05$.

Асосий гуруҳда ажратилган штаммларга Сефтазидим ва Сефепим антибиотикларига мос равишда (75,6±10,2*^), (70,1±9,4*) юқори чидамлилик аниқланди.

Таққослаш гуруҳидагиларда эса ушбу ҳолатни аксини яъни Сефтазидим (58,9±8,7*) ҳамда Сефепим (60,2±6,4*) кўришимиз мумкин.

Янги COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда микробиал пейзажнинг ўзгариши билвосита ушбу касалликдаги иммунитетнинг шикастланиш хусусиятларини акс эттиради. Касалликнинг оғирлиги ва иммуносупрессив терапияни қўллаш натижасида юзага келадиган иммунитетга чидамлиликнинг пасайиши шартли патоген флорадан қўзғатувчилар келтириб чиқарадиган асоратларнинг кучайишига олиб келади.

Микробиологик пейзажда грамм-манфий флоранинг устунлигига кўра ўзгариши олдинги йилларга нисбатан анча сезиларли бўлиб, микробларга қарши терапияни танлашда эътиборга олиниши керак. Янги коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлардан ажратилган патоген микроорганизмларнинг антибиотикларга чидамлиликнинг ошиши бутун дунёда кузатилмоқда ва бир қатор бевосита ва билвосита сабабларга эга. Коронавирус инфекциясининг интенсив терапияни талаб қиладиган оғир курси шартли патоген флорага қўшилиш ёки фаоллашиш хавфини оширади, шу жумладан касалхона штаммлари билан касалланиш хавфини оширади. Шу билан бирга, «пневмония»га шубҳа

қилинган коронавирус инфекциясини даволаш учун антибиотиклардан тўлиқ фойдаланиш, албатта, салбий таъсир кўрсатади ва микроорганизмларнинг «янги» штаммлари чидамлилигини оширади.

Бактериялар келтириб чиқарадиган клиник белгиларнинг кўшилиши натижасида асоратланган янги коронавирус инфекцияси билан оғриган беморларни даволашда пастки нафас йўлларининг зарарланиши этиологик тузилишида грамманфий бактерияларнинг устунлигини, замбуруғ флораси ва бошқа шартли патоген кўзгатувчиларнинг фаоллашиши ва кўшилиши хавфи юқорилигини ҳисобга олиш керак.

Шундай қилиб, COVID-19 билан касалланган беморларда бактериялар коинфекциянинг "микробиологик пейзажи" этиологик тузилишида грам-манфий бактерияларнинг устунлиги, замбуруғ флорасининг кўшилиш хавфи юқорилиги ва шартли патоген кўзгатувчиларнинг фаоллашиши билан тавсифланади.

ХУЛОСАЛАР

«COVID-19 пандемияси даврида ўткир респиратор инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятлари» мавзусидаги мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. 2019/2020, 2020/21 ва 2021/2022 йил мавсумларида Ўзбекистон Республикасида ЎРИ ва ЎРВИ билан касалланиш динамикаси пасайиш тенденцияси билан тавсифланганлиги аниқланди ва бу ишонччилик (R^2) кўрсаткичлари билан тасдиқланди. Шу билан бирга, агар пандемиянинг биринчи мавсумида қатъий чекловчи чоралар таъсири туфайли ўткир респираторли инфекциялар билан касалланишнинг кескин камайиши кузатилган бўлса, кейинги мавсумлар кўзгатувчиларнинг интерференция феномини натижасида анъанавий ЎРВИ билан касалланишнинг камайиши кузатилди.

2. SARS-CoV-2нинг пайдо бўлиши ўткир респиратор вирусли инфекциялар таркибида грипп вируслари улушининг сезиларли даражада камайишига олиб келди, пандемиянинг муайян даврларида грипп билан касалланиш ҳолатлар деярли аниқланмаган. Шу билан бирга, ЎРВИ таркибида SARS-CoV-2нинг доминантлиги фониде бошқа ЎРВИ кўзгатувчиларининг (аденовирус, риновирус, РСВ ва бошқалар) нисбий улуши барқарорлигича қолди.

3. Бухоро вилоятида пандемия даврида ЎРВИ билан касалланишнинг умумий сонининг изчил ўсиши кузатилган, унинг ўсиш даражаси COVID-19 касаллигининг кўпайиши билан корреляцияланади, яъни пандемия таъсирида бошқа ЎРВИ касалликларининг кўпайиши кузатилади.

4. COVID-19 билан касалланган беморларда бактериялар коинфекциянинг «микробиологик пейзажи» этиологик тузилишида

грамманфий бактерияларнинг устунлиги, замбуруф флорасининг юқори хавфи ва шартли патоген кўзғатувчиларнинг фаоллашиши билан тавсифланган.

5. SARS-CoV-2 ва грипп вируслари ўртасида интерференция феномени мавжудлиги, ўтказилган ва хорижий тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланганлиги сабабли, келгусида қайд этилиши мумкин бўлган эпидемия мавсуми учун башорат кўп жиҳатдан касалликнинг тарқалишига, SARS-CoV-2нинг ўзгарувчанлиги ва янги вариантларнинг пайдо бўлишига боғлиқ бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ, РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ
ЭПИДЕМИОЛОГИИ, МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И
ПАРАЗИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАЙИТОВ АБДУЛАЗИЗ ХАЙДАР УГЛИ

**ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОСТРЫХ
РЕСПИРАТОРНЫХ ИНФЕКЦИЙ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ COVID-19**

14.00.30 – Эпидемиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации за № В2022.2.PhD/Tib2932

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Атоева Машхура Абборовна

кандидат медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Маматкулов Иброхим Хомидович

доктор медицинских наук, профессор

Неъматов Аминжон Сабдарович

доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский педиатрический
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12. 2019.Tib. 30.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентской медицинской академии, Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел / факс: + 99871-150-78-25, e-mail: ta2005@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован под _____). Адрес: 100109, Ташкент, Алмазарский район, улица Фаробий, 2. Тел / факс: (+99871) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2025 года.

Л.Н. Туйчиев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.У. Таджиева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Б.М.Таджиев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учённых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире вирусные инфекции являются актуальной проблемой медицины. Всемирная организация здравоохранения признала вспышку новой коронавирусной инфекции SARS-CoV-2 чрезвычайной ситуацией в области общественного здравоохранения 30 января 2020 года, а 11 марта ее масштаб распространения был расценен как пандемия. Следует отметить, что «...до конца 2019 года пандемии, связанные с возбудителями острых респираторных вирусных инфекций, были описаны только в отношении вируса гриппа А, причем исторически интересным остается факт вытеснения из циркуляции новым вариантом своего предшественника»¹. В условиях пандемии особое значение приобретает повышение уровня эпидемиологических исследований. Указанные исследования должны быть в том числе и сосредоточены на изучении вероятных взаимоотношений между микроорганизмами. В частности, представляет интерес работа по исследованию взаимоотношений между возбудителем COVID-19 и возбудителями других часто встречающихся острых респираторных инфекций (ОРИ), которые ежегодно вызывают вспышки эпидемий. Результаты таких исследований будут способствовать лучшему прогнозированию течения пандемии и разработке мер профилактики.

В нашей стране проводится комплекс мероприятий по развитию медицинской отрасли и повышению качества оказываемой медицинской помощи, соответствующей мировым стандартам. В том числе, у нас в Республике, как и во всем мире, продолжают проводиться комплексные мероприятия по борьбе с коронавирусной инфекцией. Отмечены задачи по разработке и внедрению оптимальных методов лечения и профилактики осложнений коронавирусной инфекции, в том числе «...совершенствование подходов к противодействию инфекционным заболеваниям, в частности коронавирусной инфекции, а также институциональных основ и организационной структуры санитарно-эпидемиологической службы исходя из нынешних сложных условий и приобретенного опыта»².

Во всем мире продолжают вестись многочисленные исследования, посвященные эпидемиологическим аспектам коронавирусной инфекции SARS-CoV-2. В этой связи, основные задачи, требующие решения, включают следующие: изучение влияния новой коронавирусной инфекции SARS-CoV-2 на эпидемиологические показатели сезонных возбудителей ОРИ, изучение изменений в круглогодичной циркуляции основных возбудителей ОРВИ, таких как риновирусы, аденовирусы, респираторного синтициальный вирус (РСВ), метапневмовирус и др,

¹ Weijuan Huang, Xiyang Li, Minju Tan et al. Vital Surveillances: Epidemiological and Virological Surveillance of Seasonal Influenza Viruses, China, 2020-2021. // China CDC Weekly, October. - 2021. - 3(44). – P. 918–922.

² Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по смягчению коронавирусной пандемии, кардинальному совершенствованию системы санитарно-эпидемиологического благополучия и охраны здоровья населения» от 25 июля 2020 года.

изучение влияния SARS-CoV-2 на циркуляцию вирусов гриппа; оценка эпидемиологических показателей встречаемости вирусных и бактериальных коинфекций у пациентов с COVID-19; изучение влияния профилактических мероприятий, использованных в течение пандемии на циркуляцию и показатели заболеваемости ОРВИ и ОРВИ и др. Исследование перечисленных аспектов взаимного влияния традиционных возбудителей ОРВИ и SARS-CoV-2 на их эпидемиологические характеристики позволит спрогнозировать динамику развития эпидемической ситуации в стране в будущем и пересмотреть некоторые профилактические меры в отношении изучаемых инфекций.

Данная научная работа служит выполнению важных задач, обозначенных в Постановлениях Президента Узбекистан № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № ПП-4985 от 16 марта 2017 года «О мерах по совершенствованию оказания неотложной медицинской помощи», № ПП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4649 «О дополнительных мерах по предупреждению широкого распространения коронавирусной инфекции в Республике Узбекистан» и постановление Кабинета Министров «О дополнительных мерах по предотвращению распространения коронавирусной инфекции» от 23 марта 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным VI направлением развития науки и технологий республики «Медицина и фармакология».

